

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИКРАМОВА НОДИРА АНВАРОВНА

**БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ НВУ-ИНФЕКЦИЯ КЕЧИШИДА
ЯЛЛИГЛАНИШ АНЕМИЯСИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК АҲАМИЯТИ ВА
ТАШХИСЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Икрамова Нодира Анваровна

Болаларда сурункали HBV-инфекция кечишида яллиғланиш
анемиясининг патогенетик аҳамияти ва ташхислашни
такомиллаштириш 3

Икрамова Нодира Анваровна

Патогенетическая значимость и совершенствование диагностики
анемии воспаления в течении хронической HBV-инфекции у детей 21

Ikramova Nodira Anvarovna

Pathogenetic significance and improvement of the diagnostics of anemia of
inflammation in the progression of chronic HBV infection in children 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИКРАМОВА НОДИРА АНВАРОВНА

**БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ НВУ-ИНФЕКЦИЯ КЕЧИШИДА
ЯЛЛИГЛАНИШ АНЕМИЯСИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК АҲАМИЯТИ ВА
ТАШХИСЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib341 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tashpmi.uz ва «Zionet» ахборот таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Иноятова Флора Ильясовна тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	Умарназарова Зулхумар Ерназаровна тиббиёт фанлари доктори
	Хайбуллина Зарина Руслановна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (99871) 262-33-14, e-mail: mail @tashpmi. uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А. Шамансурова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда В гепатитга қарши кенг кўламли эмлаш профилактикаси амалга оширилаётганлигига қарамай сурункали HBV-инфекция муаммоси бугунги кунга қадар тиббий-ижтимоий аҳамияти жиҳатидан долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда ^{1, 2}. Шу билан бирга сурункали HBV-инфекциясининг аҳамияти унинг патогеник жиҳатдан мураккаблиги, асоратларининг оғирлиги, даволашнинг қимматлиги ва самарадорлигининг чегараланганлиги билан аниқланади. Буларнинг барчаси биргаликда касалликнинг оғир жадаллашган шакллари (25% гача) олиб келади ва сурункали гепатит В га эндиликда мустақил касалликлар бўлган – жигар циррози (8–20%) ва раки (5,4% гача) каби дахшатли касалликлар «таъминотчиси» сифатида қарашни талаб этади. Бунда жигардаги патологик жараённи кучайишини осонлаштирувчи омил сифатида йўлдош касалликлар ракурсида кечиб икки ва ундан ортиқ ўзаро оғирлаштирувчи жараёнларни юзага келтирувчи турли ҳолатларни кўриш мумкин.

Яллиғланиш анемияси сурункали HBV-инфекцияси кечишига жиддий таъсир этади ва бунда яллиғланиш цитокинлари ташаббус кўрсатувчи ҳисобланади. Ахборот манбаларига кўра жигарнинг сурункали патологиясида яллиғланиш анемиясининг учраш даражаси 72–95% ҳолатларда учрайди. Бунга нафақат яллиғланиш анемиясини даволашга етарлича эътиборнинг етишмаслиги (80%) ёки бутунлай эътиборга олмаслик (30%), даволашга рефрактерликнинг ривожланиши (40%), сурункали HBV-инфекциясининг тез-тез қайталаниши каби тиббий-ижтимоий муаммолар сабаб бўлиши мумкин, балки ушбу патологияларнинг патогенетик жиҳатдан бир-бирига уриниш нуқтасига ҳам эгаллиги билан боғлаш мумкин. Хусусан, бу жигарнинг гепсидин (темир метаболизмини бошқарувчи асосий гормон), трансферрин (темирни ҳужайраларга ташувчи оксил) каби темир метаболизми асосий вакиллари синтез қилиш ҳамда темирни деполаш (ферритин)да иштирок этиши, шунингдек, темир балансининг бузилиши вирусли персистенция шароитида иккита параллел бир-бирини ўзаро чуқурлаштирувчи жараёнларнинг ривожланишига олиб келади. Муаммо ечимининг мураккаблиги ушбу йўналишда замонавий илмий изланишларнинг камлиги, ҳамда сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемияси ривожланишининг аниқ патогенетик схемаси мавжуд эмаслиги билан боғлиқ.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кенг қамровли мақсадли чора-тадбирлар натижасида сурункали

¹WHO / Global hepatitis report, 2017.

²EASL Clinical Practice Guidelines. Management of Chronic Hepatitis B Virus Infection. J.Hepatol. 2017; 67:370–398.

HBV-инфекциясини даволаш ва олдини олишга қаратилган самарали тадбирлар ўтказилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш»³ бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда сурункали HBV-инфекцияси билан оғриган болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш доирасида яллиғланиш анемиясини ўрганиш, касалликнинг оғир прогрессив шакллари ҳамда жигар циррози ва гепатоцеллюлар карцинома каби нохуш оқибатларни олдини олиш орқали беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронлик кўрсаткичларини пасайтиришни таъминлаш тиббиётнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Яқин (Учайкин В.Ф., 2012; Абдурахманов Д.Т., 2012; Буеверов О.А., 2013; Ивашкин В.Т., 2014) ва узоқ (Zoulim F., 2015; Durantel D., 2016; Chan S.L., 2016; Defresne F., 2017) хорижлик олимлар томонидан болаларда сурункали вирусли гепатитларга бағишланган илмий ишлар ўрганилаётган муаммога тизимли ёндашувга кўра фарқланади.

Ўзбекистон олимлари ва тадқиқотчилари болаларда сурункали вирусли гепатитни ўрганишга салмоқли ҳисса қўшди. Бундай илмий изланишларга профессор О.С. Маҳмудов, ЎзР Фанлар академияси академиги Т.А. Даминов бошчилик қилди, ЎзР Фанлар академияси академиги Ф.И.Иноятова ва профессор Л.Н.Тўйчиев томонидан бу соҳа ривожлантирилди. Ўзбекистонда аутоиммун анемия, сурункали В гепатит билан оғриган катта ёшли беморлар контингентини анемиядан даволашда турли дори препаратларининг самарадорлиги ўрганилган (Эшов Н.Р., 2004; Маликов О.М., 2005). Жигарда

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 – сонли фармони .

темир алмашинувини тадқиқ қилиш бўйича экспериментал ишлар амалга оширилган (Акбарова Д.Ш., 2004; Бабаджанова Ш.А., 2005).

Сўнги йил илмий адабиётларида сурункали гепатит С нинг гистологик фаоллигига боғлиқ ҳолда қон зардобида гепсидин миқдорини ўрганишга бағишланган илмий ишлар пайдо бўлди (Fujita N., 2008; Tsochatzis E., 2010; Toima S., 2010) сурункали гепатит С билан оғриган беморларни вирусга қарши даволаш фонида темир метаболизмидаги ўзгаришлар ўрганилган (Жданов К.В., 2009; Герман Е.Н., 2009; Козлов К.В., 2009). Ушбу тадқиқотлар қарама-қарши натижаларни кўрсатди ва фақат катта ёшли беморларда олиб борилган. Шу нарса аниқки, яллиғланиш анемиясини ташхислаш қирраларини етарлича билмаслик натижасида даволашга дифференциалланмаган ёндашув нафақат сурункали HBV-инфекциясини даволаш жараёнларини қийинлаштиради, балки сезиларли даражада асосий касалликнинг кечишини оғирлаштиради.

Биобарин, сурункали яллиғланиш гепатотроп вирус персистенцияси шароитида темир гомеостази дисрегуляцияси айланасининг нотўғри шаклланиши анемиянинг ҳам, сурункали HBV-инфекциянинг ҳам оғирлашишига олиб келади. Бугунги кунда мавжуд адабиётларда сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемияси ривожланишининг аниқ патогенетик механизмлари, унинг клиник намоён бўлиш спектрлари мавжуд эмас, амалий соғлиқни сақлаш тизимида замонавий илмий тиббиёт талабларига жавоб берадиган темир метаболизми кўрсаткичларидан клиник фойдаланиш бўйича услубий ёндашувлар ишлаб чиқилмаган. Бу ўз навбатида, масалага йўналтирилган тадқиқотларни давом эттириш заруриятини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда А-10-СС-О-13694 АДСС 1.3 «Болаларда сурункали вирусли жигар патологиясини жадаллашувида триггер-омиллар: яллиғланиш анемияси (патогенези, ташхислаш ва даволаш)» амалий гранти лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемиясининг диагностик информатив мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда патогенетик схемасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемиясининг учраш даражасини аниқлаш;

сурункали HBV-инфекцияли болалардаги яллиғланиш анемиясининг кечиш вариантларига, жигардаги патологик жараён фаоллиги ва давомийлигига боғлиқ ҳолда гепсидин-25 пептидининг яллиғланиш цитокинлари (IL-1, IL-6) билан ўзаро боғлиқликдаги ўзгаришлар қонуниятини аниқлаш;

феррокинетик маркерлар (трансферрин, sTfR, ферритин, зардобдаги темир) нинг сурункали HBV-инфекция билан оғриган бемор болаларда яллиғланиш анемияси кечиши шаклланишидаги патогенетик ва диагностик аҳамиятини аниқлаш;

яллиғланиш анемияси кечиш вариантларига боғлиқ ҳолда болаларда сурункали HBV-инфекциянинг клиник-биокимёвий кечиши ва маркер ҳолати хусусиятларини таҳлил қилиш;

сурункали HBV-инфекция билан оғриган бемор болаларда яллиғланиш анемиясининг патогенетик схемаси ва ташҳисий мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сурункали HBV-инфекция билан ЎзР ССВга қарашли РИПИАТМ гепатология бўлимига госпитализация қилинган 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети. Текширувларни амалга оширишда сурункали HBV-инфекцияли болаларнинг тўлиқ қон ва қон зардобидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумклиник, биокимёвий, иммунологик, молекуляр-биологик, инструментал, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемиясининг юқори частотаси 94,6% да аниқланган, ҳамда рефрактер вариантларининг (60,7%) касаллик кечишига салбий таъсир кўрсатиши ва жигардаги патологик жараённинг жадаллашувини (49,4%) келтириб чиқиши исботланган;

сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемиясининг касалликни эрта босқичида «ҳақиқий» темир танқислиги ривожланиши билан норефрактер анемия кўриниши ривожланиб бориши; касаллик давомийлиги ошиши ва патологик жараён чуқурлашиши билан жигарда темирнинг қайта тақсимловчи танқислиги ривожланиши билан анемиянинг рефрактер варианты келиб чиқиш механизмлари аниқланган;

сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемияси кечиш вариантлари ривожланишида касаллик давомийлиги ҳамда жигарда патологик жараён фаоллигига боғлиқ бўлган гепсидин-25 пептидининг патогенетик аҳамияти аниқланган;

трансферриннинг тўйиниш коэффицентини ҳисоблаш яллиғланиш анемиясининг кечиш вариантларини қиёсий ташхислашдаги диагностик аҳамияти аниқланган;

яллиғланиш анемиясининг ривожланиши касалликнинг клиник-биокимёвий синдромлари ҳамда HBV фаоллигини узайтиришга олиб келиши, патогенетик жиҳатдан ушбу ўзгаришлар HBV антиген бошлаган патологик стресс-реакцияларни акс эттириши, натижада иккита параллел ўзаро оғирлаштирувчи жараёнлар ривожланишини белгиловчи механизмлар шаклланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемияси

ривожланиш генезининг патогенетик схемаси унинг кечиш вариантларини аниқлаш орқали ишлаб чиқилган;

сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемияси кечиш вариантлари ривожланишида гепсидин-25 пептидининг патогенетик аҳамияти касаллик давомийлиги ҳамда жигарда патологик жараён фаоллигига боғлиқ ҳолда аниқланган;

«ҳақиқий» ёки орттирилган генездаги темир танқислигини аниқлаш учун $ТТК = sTfR / \log. \text{ферритин}$ формуласи ёрдамида трансферринга тўйиниш коэффицентини аниқлаш тавсия этилган;

сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемияси учун устувор бўлган клиник ва биокимёвий белгиларнинг диагностик характеристикаларини кенгайтириш имконини берувчи информатив шартли-специфик белгилар спектри аниқланган;

сурункали HBV-инфекция билан оғриган бемор болаларда яллиғланиш анемиясини дифференциал ташҳислаш дастури ва алгоритми ишлаб чиқилди;

сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемиясини ташҳислашда кўрсаткичлар учлиги (гемоглобин, рангли кўрсаткич, эритроцитлар) ҳамда қон зардобиддаги темир миқдорининг кам информативлиги аниқланган;

сурункали HBV-инфекцияли болаларда гемограмма кўрсаткичлари бўйича яллиғланиш анемияси кечиш вариантлари дифференциациясининг тахминий мезонлари таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги услубий ёндашувнинг тадқиқот мақсад ва вазифаларига мослиги, клиник материал сонининг етарлилиги, рақамли маълумотларга фарқларнинг статистик аҳамияти кўрсатилиб тўғри статистик ишлов берилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали HBV-инфекцияли болаларда турли патологик кўринишлар билан кечувчи яллиғланиш анемияси шаклланиш механизмларининг аниқланганлиги билан изоҳланади. Гепсидин-25 пептиди ва феррокинетик маркерларни ўрганиш нуқтаи назаридан яллиғланиш анемиясининг қиёсий ташҳиси ва ривожланиш генезида аниқланган устуворликлар сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемиясини ташҳислашнинг лаборатор асосларини яратиш учун илмий асосланган негиз бўлиб хизмат қилади. Яллиғланиш анемияси, айниқса, унинг рефрактер вариантларининг сурункали HBV-инфекция кечишига салбий таъсир кўрсатиши бўйича исботланган далиллар ушбу муаммонинг ечимини топишда ҳамда уни очиб беришда янги моҳиятлар шаклланишига асос бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемиясини қиёсий ташҳислаш дастури ва алгоритмининг татбиқ этилиши анемиянинг рефрактер вариантларини ўз вақтида аниқлаш, ҳамда, шу орқали сурункали вирусли гепатитнинг жадаллашган шакллари ривожланиш эҳтимоли ва жигар циррози ҳамда раки

каби салбий оқибатлар ривожланиш хавфини камайтириб, бемор болалар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемиясини ташхислашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Сурункали вирусли гепатит билан оғриган болаларда яллиғланиш анемиясини қиёсий ташхислаш усули» учун Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№ IAP 05450, 2017й.). диагностиканинг бу усули сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемиясининг рефрактер ва норефрактер вариантларини аниқлаш имконини яратган;

сурункали вирусли гепатит билан оғриган болаларда яллиғланиш анемиясини қиёсий ташхислаш Дастури асосини ташкил этувчи касаллик патогенези ва алгоритми схемаси ишлаб чиқилган ва амалий соғлиқни сақлаш тизимига татбиқ этилган ҳамда «Сурункали вирусли жигар патологияси билан оғриган болаларда яллиғланиш анемиясини ташхислаш ва даволашга ёндашувлар» услубий тавсияномасига киритилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 3 апрелдаги 8н-д/436-сон маълумотномаси). Ушбу дастурнинг татбиқ этилиши сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемиясини ташхислаш сифатини 30%га яхшилаш, асоратлар учрашини ҳамда касалликнинг жадаллашган шакли ривожланишини 24,6% га камайтириш имконини берган;

сурункали вирусли гепатит билан оғриган болаларда яллиғланиш анемиясини қиёсий ташхислаш чора-тадбирлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказига, Қибрай туман тиббиёт бирлашмасига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 27 декабрдаги 8н-з/249-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқотларнинг амалиётга жорий қилиниши иқтисодий самарадорликка олиб келган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий иш чоп этилган, булардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда (Россия, Австрия) нашр этилган. 1 та ихтиро учун IAP 05450 сон патенти олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Болаларда яллиғланиш анемияси ва сурункали HBV-инфекция ҳақида замонавий тасаввурлар**» деб номланган биринчи бобда хорижий ва маҳаллий манбалар мисолида адабиётлар маълумотларининг шарҳи келтирилган. Шарҳ давомида болаларда сурункали HBV-инфекцияси ташҳиси, патогенези, этиологияси, эпидемиологияси тўғрисидаги замонавий тасаввурлар таҳлили олиб борилган. Шунингдек, яллиғланиш анемияси, темир метаболизмининг асосий регулятори бўлган гепсидин пептиди бўйича маълумотлар кўриб чиқилган нашрлар шарҳи тақдим этилган. Аналоглари ёритилган, уларнинг ютуқ ва камчиликлари объектив баҳоланган. Олиб борилган таҳлил натижалари асосида тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Сурункали HBV-инфекцияли болалар клиник материалининг ва текширув усуллари тавсифи**» деб номланган иккинчи бобда тадқиқот материали ва услублари баён этилган. Ушбу тадқиқот иши 2012–2017 йилларда ЎзР ССВ РИПИПТМнинг гепатология бўлимида бажарилган. Тадқиқотда 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 148 нафар боланинг ҳолати ўрганилган. Сурункали HBV-инфекцияси бўлган болалар комплекс кўрикдан ўтказилганда 94,6% ҳолларда яллиғланиш анемиясининг юқори частотаси аниқланди. Улардан, I гуруҳни сурункали HBV-инфекцияси бўлган, анамнезида ферропрепаратлар билан даволанишга резистентлик – яллиғланиш анемиясининг рефрактер варианты (*РА*) қайд этилган 85 нафар (60,7%) бемор ташкил этди. Уларни 49 нафари (57,8%)да сурункали HBV-инфекциянинг юқори ва 36 нафари (42,2%)да ўрта фаоллиги қайд этилди. II гуруҳни темир препаратлари билан даволашда ижобий динамика бўлган, яъни яллиғланиш анемиясининг норефрактер варианты (*нРА*) қайд этилган 55 нафар (39,3%) бемор ташкил этди. Ушбу гуруҳга 39 нафар (72,4%) минимал фаолликдаги ва 16 нафар (27,6%) ўрта фаолликдаги сурункали HBV-инфекцияли бемор болалар киритилди. Жигардаги патологик жараённинг фаоллиги клиник симптомларнинг яққоллиги, қон зардобда биокимёвий кўрсаткичларнинг фаоллиги, шунингдек, жигар ва талоқ инструментал текширилганда олинган натижалар акс этган маълумотларга кўра аниқланди. Трансферриннинг тўйиниш коэффициенти ($ТТК = sTfR / \log.ферритин$) формуласи бўйича ферритиннинг ўнлик логарифми $sTfR$ даражасига нисбатан ҳисобланди.

Қоннинг умумий таҳлиллари ВС-5800 модели «Mindray» (Хитой) гематологик автоматик анализаторда олиб борилди. Вирусологик верификация ИФА усулида «Human» (Германия) тўпламидан фойдаланган ҳолда «Hospitex Diagnostics» ИФА анализаторида HBsAg, HBsAb, HBeAg, HBeAb, умумий HBcAb ни аниқлашга асосланиб амалга оширилди. «Gene Pak RNAPCR test», ООО «Изоген» (Россия) тест-тизимидан фойдаланиб HBV-ДНА гибридизацион-флуоресцент детекцияларни сифатли ва кўп сонли аниқлаш учун полимераз занжирли реакция (ПЗР)нинг молекуляр-биологик усули қўлланилди. Тадқиқотнинг махсус усуллари иммунофермент таҳлил усули ёрдамида «Enzima Immunoassay» (АҚШ) тўпламидан фойдаланиб гепсидин-25 пептидни; «Accu-Bind» (АҚШ) тўпламидан фойдаланиб трансферрин, эрувчан трансферрин рецепторлари (sTfR), ферритин, зардобдаги темир, С-реактив оксигени (СРО); «eBioscience» (Австрия) тўпламидан фойдаланиб яллиғланишга қарши цитокинлар (IL-1, IL-6)ни аниқлашни ўз ичига олди. Барча беморларда портал тизим томирлари доплерографияси билан «Philips» «ClearVue 650» (АҚШ) аппаратида жигар, талоқ ва ўт йўллари ультратовуш ёрдамида текширилди. Текширишлар давомида олинган маълумотларга Pentium – IV шахсий компьютерида Microsoft Office Excel – 2010 дастурий пакетидан фойдаланиб статистик ишлов берилди, жумладан, ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан ҳам фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемиясининг ташхисий жиҳатлари**» деб номланган учинчи бобида анемиянинг кечиш вариантларига боғлиқ ҳолда сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланишнинг ривожланиш медиаторлари ва темир метаболизмининг асосий маркерлари таҳлили тақдим этилган.

Сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемиясида гемограммаларнинг эритроцитар индекси информативлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, *РА* учун нормоцитар нормохром, *нРА* учун – анемиянинг микроцитар гипохром кечиши хос, бунда МСНга нисбатан МCV/RDW индексини ҳисоблаш дифференциация нуқтаси бўлиб хизмат қилди. Олинган далиллар яллиғланиш анемияси кечиш вариантларининг ривожланиш генезида мавжуд фарқларни кўрсатди ва тадқиқотнинг келгуси йўналишини – яллиғланиш анемияси ривожланишининг патогенетик механизмларини аниқлаш зарурлигини белгилаб берди. Бундан ташқари, бошланғич босқичда яллиғланишга қарши цитокинлар ва сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемияси кечишининг шаклланишида гепсидин-25 пептидининг аҳамияти аниқланди. Тизимли яллиғланиш маркерлари (IL-1, IL-6, СРО)ни ўрганиш (1-расм) текширилган беморларда, айниқса, *РА* (IL-1 ни $9,81 \pm 0,63$ pg/ml гача; IL-6 ни $12,85 \pm 0,50$ pg/ml гача ва СРОни $1,38 \pm 0,20$ mg/ml гача, назоратда мос ҳолда $6,45 \pm 0,34$ pg/ml, $7,75 \pm 0,75$ pg/ml ҳамда $0,37 \pm 0,19$ mg/ml, $p < 0,05$) билан болаларда юқори яллиғланиш индексини белгилаш имконини берди.



Изоҳ: b – гуруҳлараро фарқлар ишончилиги, a – назоратга нисбатан ($p < 0,05 - 0,01$).

1-расм. Сурункали HBV- инфекцияли болаларда яллиғланиш анемиясининг кечиш вариантларига боғлиқ ҳолда тизимли яллиғланиш маркерлари.

IL–1 ва IL–6 цитокинлар гепсидин-25 экспрессиясининг асосий стимули ҳисобланган информатсион манбаларга таянган ҳолда текширилган бемор болаларда ушбу пептиднинг юқори аҳамияти аниқланишини тахмин қилиш мумкин. Шунга қарамасдан темир метаболизми асосий регулятори бўлган гепсидин-25 динамикаси турли-туман натижаларни берди. Айнан, яллиғланиш анемияси бўлган сурункали HBV-инфекцияли болалар икки тоифага ажратилди: гепсидин-25 даражаси паст ($28,68 \pm 0,6$ ng/ml) 69,5% болалар ҳамда юқори ($56,37 \pm 1,6$ ng/ml) бўлган 30,5% беморлар (назоратда $39,4 \pm 1,7$ ng/ml), бу биринчи ҳолатда РАли беморларнинг аксарият кўпчилигига (91,7%), иккинчи ҳолатда – нРАли болаларнинг кўпчилигига (81,9%) мос келади. Ушбу маълумотлар тадқиқот давомида натижаларнинг турли йўналишлари сабабларини аниқлашга қизиқиш уйғотди ҳамда болаларда сурункали HBV-инфекцияси фаоллигига боғлиқ ҳолда гепсидин-25 даражасини ўрганишга ундади. Бундан ташқари, қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики (2-расм), жигарда патологик жараён фаоллиги ошиши билан қон зардобида гепсидин-25 даражаси $66,1 \pm 3,7$ ng/ml дан $24,4 \pm 0,7$ ng/ml гача камайиб борди.



Изоҳ: * – назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги; ^a – минимал ва ўрта фаоллик орасидаги; ^b – минимал ва юқори фаоллик орасидаги; ^c – сурункали HBV - инфекциясининг ўрта ва юқори фаоллиги орасидаги ($p < 0,05 - 0,001$).

2-расм. Яллиғланиш анемияси бўлган болаларда сурункали HBV- инфекцияси фаоллигига боғлиқ ҳолда гепсидин-25 даражаси, ng/ml.

Бунда гепсидин-25 даражасининг энг юқори аҳамияти сурункали HBV-инфекцияси фаоллиги минимал даражада бўлган болалар орасида қайд этилди ($66,1 \pm 3,7$ ng/ml), бу яллиғланиш анемияси норефрактер вариантли болалар учун характерли бўлди. Шу билан бирга гепсидин-25 нинг энг паст даражаси бўлган $24,4 \pm 0,7$ ng/ml фаолликнинг юқори даражасида аниқланди.

Бу пайтда ўрта фаолликдаги болаларда унинг параметрлари $35,0 \pm 1,1$ ng/ml ($p < 0,001$)ни ташкил этди.

Сурункали HBV-инфекцияси узоқ муддат кечувчи жараён бўлганлиги муносабати билан ушбу тадқиқот жараёнида касалликка чалиниш муддатига боғлиқ ҳолда қийматларнинг ўхшаш тақсимоли олинган гепсидин-25 даражаси ўрганилди. Касалликнинг дастлабки босқичларида қон зардобдаги гепсидин-25 нинг миқдори $62,90 \pm 4,8$ ng/ml гача ошган бўлса, жигардаги патологик жараён фаоллиги кучайиб бориши билан ушбу пептид миқдори $16,47 \pm 0,6$ ng/ml гача камайиб бориш тенденцияси кузатилди. Агар *нРА* ҳолатида бунга яллиғланиш стимулига жавобан гепсидин-25 синтезининг ошиши кўринишидаги жараён сифатида қаралса, *РА* ҳолатларида, айниқса, сурункали HBV-инфекцияси кечки босқичларида гепатоцитларда унинг синтези бузилишидан дарак беради, бу эса болалар организмида темир алмашинуви бузилишига олиб келади.

Темир метаболизмида феррокинетик маркерлар ҳам муҳим аҳамият касб этади, шунинг учун ушбу тадқиқот жараёнида сурункали HBV-инфекцияли болалардаги яллиғланиш анемияси патогенезида уларнинг диагностик информативлиги ҳам ўрганилди. Турли феррокинетик тестлар баҳоланганда уларнинг яллиғланиш анемияси вариантларига боғлиқлиги аниқланди. Умумий темир танқислиги фонида зардобдаги темирнинг энг кам миқдори *нРА* бўлган болалар орасида қайд этилди ($p < 0,001$). Бунда ферритиннинг энг юқори даражаси *РА*ли беморларда кузатилди (*нРА*ли болалар гуруҳига нисбатан 4,4 мартта, ҳамда назорат гуруҳига нисбатан 2,1 мартта кўп). Бошқа тоифадаги болалардан фарқли ўлароқ, ушбу бемор болаларда трансферрин даражаси энг паст кўрсаткичга эга бўлди ($p < 0,01$). Шу билан бир қаторда sTfR ўзгаришларида қуйидаги тенденциялар кузатилди: агар *РА*ли болаларда ушбу қиймат назорат кўрсаткичига яқинлашган ва статистик фарқланмаган бўлса (sTfR $-1,34 \pm 0,02$ mkg/ml, $p > 0,05$), *нРА* ли болалар гуруҳида кўрсаткичлар анча юқори бўлди (sTfR $-2,76 \pm 0,03$ mkg/ml гача, назоратда sTfR $-1,38 \pm 0,02$, $p < 0,001$). Чамаси, бу эритропоезга темир етишмовчилиги ва эритроцитлар гемоглобинизацияси камайиши билан боғлиқ.

Тадқиқот жараёнида яллиғланиш анемияси вариантларини қиёсий ташҳислаш учун ТТКдан фойдаланилди. ТТКни баҳолаш *нРА* фонида сурункали HBV-инфекцияли болалардаги ТТК $> 2,0$ ($2,237 \pm 0,18$) «ҳақиқий» темир танқислиги мавжудлигидан, бу депода темир захираларининг тугганидан далолат беради. Шу билан бирга, *РА*ли беморларда депода етарлича темир захираларининг мавжудлигидан далолат берувчи қайта тақсимланувчи ТТК $< 2,0$ ($0,994 \pm 0,01$) темир танқислиги аниқланди.

Юқорида келтирилган тадқиқот натижаларини ҳисобга олиб, болалардаги сурункали HBV-инфекциясида яллиғланиш анемиясини қиёсий ташҳислаш мезонлари ишлаб чиқилди (1-жадвал).

Болалардаги сурункали HBV - инфекциясида яллиғланиш анемиясини қиёсий ташҳислаш

Феррокинетика кўрсаткичлари	Яллиғланиш анемияси	
	Рефрактер анемия	Норефрактер анемия
Гепсидин-25, ng/ml	Камайган ($\leq 28,680$)	Ошган ($\geq 56,367$)
Зардобдаги темир, мкмоль/л	Камайган ($\leq 8,49$)	Камайган ($\leq 5,22$)
Ферритин, ng/ml	Ошган ($\geq 130,8$)	Камайган ($\leq 29,9$)
Трансферриннинг эрувчан рецепторлари, mkg/ml	Меъёрда	Ошган ($\geq 2,76$)
Трансферрин, mg/dl	Камайган ($\leq 162,2$)	Ошган ($\geq 355,0$)
Трансферриннинг тўйиниш коэффициентлари	Камайган ($<2,0$)	Ошган ($> 2,0$)


Изоҳ: қавс ичида меъерий кўрсаткичларнинг аҳамиятли бўлган тахминий мезонлари кўрсатилган: гепсидин – 39,401 ng/ml; зардобдаги темир – 15,4 мкмоль/л; ферритин – 62,2 ng/ml; трансферрин – 275,6 mg/dl; sTfR – 1,32–1,38 mkg/ml.

Шундай қилиб, болалардаги сурункали HBV-инфекцияда яллиғланиш анемияси ривожланиши генезида жигардаги патологик жараённинг фаоллиги ва касаллик давомийлигига боғлиқ ҳолда кечувчи иккита патогенетик вариантлар белгиланди. *Биринчиси* ферромаркерлар жойлашиш тартибида «ҳақиқий» темир танқислиги билан характерланади, темир танқислиги анемиясига хос – норефрактер анемия; *иккинчиси* темир қайта тақсимланиш танқислиги билан тавсифланади, гемосидероз учун хос бўлган рефрактер анемия. Болаларда сурункали HBV-инфекциясидаги яллиғланиш анемияси фонида гепсидин-25 экспрессияси касаллик давомийлиги ва фаоллигига боғлиқ ҳолда ўзгаришларга учрайди. Шу билан бирга организмдаги темир метаболизмининг асосий регулятори ҳисобланган ҳолда жигарнинг сурункали вирусли патологияси шароитида ушбу пептид яллиғланиш анемияси кечиш вариантларига боғлиқ ҳолда феррокинетиканинг турлитуман ўзгаришларини юзага келтиради. *HPA* учун зардобдаги темир ва ферритин аҳамиятининг камайиши фонида трансферрин спектрининг ошиши характерли; *PA* учун – трансферрин параметрларининг камайиши фонида ферритиннинг миқдорининг баландлиги хос. Яллиғланиш анемияси вариантларининг қиёсий ташҳисида ТТКни аниқлаш устувор ҳисобланади. Тадқиқот натижаларига асосан ихтиро учун IAP 05450 рақамли патент олинди. Бинобарин, паст гемоглобин, рангли кўрсаткич ва эритропенияни аниқлаш темир препаратлари билан даволашни бошлаш учун асос бўла олмайди. Темир танқислигини «ҳақиқий» ёки «тўпланиш» генезини аниқлаш учун ТТКни ҳисоблаш зарур.

Тадқиқот давомида олинган натижалар болалардаги сурункали HBV-инфекциясида яллиғланиш анемияси ривожланишининг патогенетик механизмларини аниқлаштириш имконини берди: **(Шарҳлаш)**. Болалардаги сурункали HBV-инфекцияси яллиғланиш анемияси патогенезида муҳим омил ҳисобланади. Вирус таъсири остида иммун тизим фаоллашуви яллиғланишнинг ривожланиши билан бирга кечади. Яллиғланиш олди цитокинлари (IL–1, IL–6) синтези ошади ва улар ўз навбатида жигарда гепсидин–25 экспрессиясини кучайтиради, натижада энтероцитлар, макрофаглар ва гепатоцитлар хужайраларидан темирнинг чиқиши блокланади. Гепсидиннинг узоқ муддатли ошган даражаси ичакларда темирнинг

сўрилишини камайишига олиб келади, шунингдек, деподан темир мобилизациясига қаршилик кўрсатади, бу, умуман олганда, гипоферримия ривожланиши, ҳақиқий темир танқислиги (темир етишмовчилиги анемияси тури бўйича) – яллиғланиш анемиясининг рефрактер бўлмаган вариантга олиб келади. Натижада ушбу жараёнлар эритропозтик фаолликнинг камайиши, гипоксиянинг ошиши ҳамда эркин радикалларнинг тўпланишига олиб келади. Оқибатда жигарда патологик жараённинг чуқурлашуви, гепатоцитларда гепсидин–25 синтезининг камайиши ҳамда болалар организмида темир метаболизмининг бузилиши юз беради. Гепсидин-25 нинг паст қийматларида темирнинг ичакларда тартибсиз сўрилиши ва ферритиннинг гемосидеринга трансформацияси содир бўлади, бунинг натижасида яллиғланиш анемияси рефрактер кечишининг клиник намоён бўлиши билан организмнинг темирга ҳаддан ташқари тўйиниши ривожланади.

Диссертациянинг «**Болаларда яллиғланиш анемияси фониди сурункали HBV-инфекциясининг кечиш хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида болалардаги сурункали HBV-инфекцияси кечиши шаклланишида яллиғланиш анемиясининг аҳамияти борасидаги тадқиқот натижалари келтирилган. Яллиғланиш анемиясининг рефрактер кечиши норефрактер вариантга таққосланганда сурункали HBV-инфекциясининг клиник зўрайиш муддатини узайтириб ($4,7 \pm 0,2$ ойгача), узоқ муддатли гиперферментемия ва вирус фаоллиги ривожланишига олиб келди, касалликнинг яққол (72,9%) ва прогрессив (49,4%) шакллари устунлиги ҳам ушбу ҳолатни тасдиқлади ва чўзилувчан сурункали стресс ҳолатини характерлади. Барча клиник синдромларнинг қатъий устунликка эгаллиги ($p < 0,01$) болалардаги яллиғланиш анемияси фониди сурункали HBV-инфекциясининг клиник кўринишининг алоҳида хусусияти бўлиб ҳисобланди. Бунда гуруҳ ичи таҳлили РАли болаларда астеновегетатив (95,3%), геморрагик (90,6%), гепатомегалия (100%) ва спленомегалия (77,6%) каби синдромларнинг устунлигини аниқлади (3-расм).




Изоҳ: АВС – астеновегетатив синдром; ДПС – диспепсик синдром; ЖТБ – жигарни ташқи белгилари; ХС – холестатик синдром; ГС – геморрагик синдром; , ГМ – гепатомегалия; СМ – спленомегалия; * – таққослаш гуруҳидаги фарқларнинг ишончлилиги, $p < 0,05-0,001$.

3-расм. Яллиғланиш анемияси вариантларига боғлиқ ҳолда сурункали HBV- инфекциясининг клиник синдромлари.

Терининг рангпарлиги ва қуруқлиги (100%) каби терининг трофик ўзгаришлари эътиборни ўзига тортди. Бошқа синдромлар яққоллигида камроқ фарқлар кузатилди. Тадқиқот жараёнида касалликнинг клиник кечиши таҳлили сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемиясини клиник ташҳислаш мезонлари бўлиб хизмат қилган шартли-спецификлик симптомларни аниқлаш имконини берди (4-расм).


Шу билан бирга, айниқса *РА* фонида, ортостатик ҳолатга ўтишда кучаявчи бош айланиши билан бирга кўз олдининг живирлашиши кўринишида қоронғилашиши (91,7%), қулоқларда шовқин ва юрак уришининг тезлашиши (68,2% ва 64,7%) каби беморларнинг шикоятлари информативлиги маълум бўлди. Эпителиал синдром тирноқларнинг синувчанлиги (89,4%), сочларнинг тўкилиши (77,6%) ҳамда оғиз бурчакларини бичилиши (60,0%) шаклида намоён бўлди. *РА*да *нРА* га қараганда таъм сезишнинг бузилиши (*pica chlorotica*) - пикацизм - лой, бўр, тупроқ ейиш (1,6 марттага) ва патоосмия – лок, бўёқ, ацетон каби ёқимсиз ҳидларни ҳидлашга ўчлик (1,7 марттага) кўп учради.



Изоҳ: * – таққослаш гуруҳидаги фарқларнинг ишончилиги $p < 0,05-0,001$.
4-расм. Сурункали HBV-инфекцияли болаларда яллиғланиш анемияси учун характерли бўлган шартли-специфик симптомлар.

Биокимёвий тадқиқот натижаларининг қиёсий таҳлили жигар функционал шикастланишларининг етакчи кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланган қуйидаги синдромлар *РА*нинг оғирроқ кечишини тасдиқлади: узоқ чўзилувчан гиперферментемияли цитоллиз (82,4%), мезенхимал-яллиғланиш (92,9%) ҳамда эндотоксемия (95,3%).

Тадқиқотнинг навбатдаги босқичида HBV-инфекция маркер ҳолати яллиғланиш анемиясининг вариантыга боғлиқ ҳолда таҳлил қилинди (5-расм). Текширилган беморларда маркер ҳолат HBsAg нинг яллиғланиш анемиясининг вариантыга боғлиқ бўлмаган ҳолда барча болаларда учраши билан тавсифланди. Бунда HBsAb *РА*ли беморларнинг $7,1 \pm 2,7\%$ да ва *нРА* ли беморларнинг $12,7 \pm 4,5\%$ да аниқланди ($p > 0,05$).



Изоҳ: * - таққослаш гуруҳидаги фарқларнинг ишончилиги, $p < 0,05-0,001$.
5-расм. Болаларда яллиғланиш анемияси турига кўра HBV маркерлари учраши.


Юқори инфизицираниш ҳақида гувоҳлик берувчи маркер – HBeAg – *РА* ли бемор болаларда кўпроқ аниқланди ($85,8 \pm 3,8\%$, *нРА* ли бемор болаларда

58,2±6,7%, $p < 0,001$). Бунда HBeAg га қарши антителолар I гуруҳдаги беморларнинг 31,7±5,1% да ва II гуруҳдаги болаларнинг 47,3±6,7% да учради ($p > 0,05$). Ядро антигенига қарши антитело (HBsOrAb) суммар қийматида статистик фарқланмади ва иккала гуруҳнинг кўпчилиги беморларида аниқланди (94,1±2,5% ва 87,3±4,5% мос равишда I ва II гуруҳ беморларда, $p > 0,05$). Шу билан бир қаторда, фаол репликация маркери HBV-DNA ишончли равишда яллиғланиш анемиясининг рефрактер вариантли бемор болаларда кўпроқ учради (100,0%, 70,9±6,1% га нисбатан, $p < 0,05$).

